Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
16 декабрь
ШАНБА
№ 101 (13049)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

Тадбиркорлик – мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигининг мустаҳкам таянчидир. Ишбилармонлик ривожланган давлатда аҳоли бандлиги таъминланади, шунингдек, даромадлар манбаи аниқ бўлади. Бу, ўз навбатида, ёрқин келажакка замин яратади. Юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганининг асл негизи шунда.

❑ Интилиш

Давлатимиз раҳбарининг "Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда сўнгги беш йилда 12 минг 700 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 23 минг 800 дан ошди. Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61, ҳудудий экспорт таркибида эса қарийб 94 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 76 фоиздан зиёди айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Чиноз туманида ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинган. Бу ерда жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб, хусусан, қиймати 51,8 миллиард сўмлик 75 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Натижада, беш юз йигирма олтита янги иш ўрни яратилди.

– Барқарор иқтисодий ўсиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, – дейди туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Шерзод Мамажонов. – Тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозорлар тўқинлигини таъминлаш баробарида давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Туманда жорий йил мобайнида 589 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган. Қувонарлиси, уларнинг барчаси ўз фаолиятини йўлга қўйиб, нафақат ички бозорларимизга, балки чет элга сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бермоқда.

– Битта тикув машинаси билан иш бошлаган эдик, – дейди чинозлик ёш тадбиркор Дилноза Ғафурхўжаева. – Ростини айтганда, бошида бир оз чўчидим. Аввал парда, келин сарполари тикдик. Кейинчалик ишни кенгайтириб, кўрпа, ёстиқ, аёллар ва болалар кийимлари тикишни йўлга қўйдик. Ўнта энг сўнгги русумдаги тикув машинаси харид қилиб, ишчилар сонини кўпайтирдик.

Давоми 3-бетда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

РАҲБАРЛАРГА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Аҳоли билан мулоқотнинг замонавий ва самарали механизмини йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни сифат жиҳатидан тубдан яхшилаш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш Президент Шавкат Мирзиёев юритаётган давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Бу борада Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғоя ҳаётда ўз ифодасини топаётгани, халқ манфаатлари таъминланишига хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро, Бош Қомусимизнинг 2-моддасида қайд этилганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Бугунги кунда аҳоли билан очиқ мулоқотнинг йўлга қўйилгани, уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали механизмлари яратилгани фуқароларни безовта қилаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида бартараф этилиши, уларнинг давлатга бўлган ишончи янада ортишида мустаҳкам асос бўлаётир.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, фуқаролар билан очиқ ва самимий мулоқот қилиш орқали уларни қийнаётган муаммо ва камчиликларни бевосита ўрганиш ҳамда бартараф этиш мақсадида **шу йилнинг 18-19 декабрь кунлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Суди, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари мутасадди раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор банклар бошқаруви раислари иштирокида соҳада коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоларига бағишланган учрашувлар ташкил этилади.

Аҳоли билан учрашувлар вақти ва манзили ҳақидаги батафсил маълумотлар газетамизнинг иккинчи саҳифасида чоп этилмоқда.

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари

Ҳуқуқий маданияти юксак жамиятдагина инсон ҳуқуқ-эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг тўлақонли ҳимоя қилиниши таъминланади. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган мониторинг тадқиқотлари аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси мунтазам ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

ҚОНУННИНГ КУЧИ – ИШОНЧДА

Вилоятимиздаги 1 минг 402 нафар респондент ўртасида ўтказилган социологик сўров иштирокчиларининг 88 фоизи: "Қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган", деб кўрсатган. 63 фоизи: "Қонунлар инсон учун ва инсон манфаатини кўзлаб, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун яратилади", деб белгилаган бўлса, қолган қисми: "Қонунлар ҳуқуқий давлат қуриш ва уни ривожлантириш учун яратилади", деган жавобни маъқуллашган. Бу – фуқароларда ҳуқуқий билимга ҳурмат билан муносабатда бўлиш принципи шаклланганини англатади. Сўров иштирокчиларининг 74 фоизи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун эгаллаган билимлари етарли эканини қайд этган.

Аҳоли томонидан энг кўп фойдаланиладиган ҳуқуқий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, улар қонунчиликдаги янгиликларни асосан телевидение, босма ОАВ ва интернет орқали олади.

Бу борада интернет, хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги миллий базаси маълумотларини излаш тизими – "lex.uz" интернет-порталининг роли ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Интернет тармоғида 2013 йилдан бошлаб фаолият юритаётган, фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини изчиллик билан кенгайтириб бораётган Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) самарали фаолият кўрсатаётгани ҳам маълум даражада электрон мурожаатлар йўллаш амалиётининг кенгайишига хизмат қилди. Ягона порталда илк маротаба фуқароларнинг мурожаатларини қайта ишлаш марказлашган тизими жорий этилгани келиб тушаётган барча мурожаатларни кузатиб бориш, уларни кўриб чиқиш муддатлари ва сифатини назорат қилиш имконини берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалда қарор топаётганига бугунги кунда барчамиз амин бўлиб турибмиз. Бундан буён ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шу билан бирга фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш алоҳида устуворлик касб этиб бораверади. Шу маънода, бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини берувчи ҳужжат – жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини тайёрлаш устида кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Нодир АҲМЕДОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси шўъба мудири.

ОРАСТАЛИК – ФАЙЗУ БАРАКА ОМИЛИ

Хонадонларда, кўча-кўйда, транспорт ёки корхоналарда, турли тадбирлар ўтказиладиган каттакичик бино ва иншоотларда санитария қоида ва меъёрларига амал қилиш ҳар жиҳатдан фойдали – кўплаб касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, атроф-муҳит озодалигини сақлаш, қолаверса, одамлар кайфияти кўтаринкилигини таъминлаш имконини беради. Файзу барака келтиради.

❑ Бу ҳақда «ҳокимлик соати»да гапирилган эди

Буни ҳамма билади. Аммо, амал қилишга келганда барчамиз ҳам масъулиятни ҳар доим ҳис этавермаймиз. Афсуски, бу ҳолат – гигиена қоидаларига қатъий риоя этмаслик вилоятимиздаги кўплаб маиший хизмат кўрсатиш ва савдо объектларида ҳам кузатилмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида шаҳар ва туманларимиздаги етти юз эллик тўққизта шундай объектда санитария қоида ва меъёрларига амал қилинмаган ҳолатда фаолият олиб борилган. Бунга йўл қўйган мансабдор шахслар жаримага тортилди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ғ. Ибрагимовнинг шу йил 27 ноябрда имзоланган "Вилоят аҳолисини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасидаги ишларни кучайтириш тўғрисида"ги қарори айни шу, жумладан, аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари вужудга келиши ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш масалаларига қаратилган.

Айни кунда ушбу ҳужжат ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманларимизда санитария-эпидемиология қоидалари бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш, бу борада тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш учун ишчи гуруҳ тузилди. Унга малакали мутахассислар жалб этилди.

Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқова сувларни чиқариб ташлайдиган, ун ва ош тузи ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ошхоналарида тайёрланадиган таомларни санитария-гигиена талабларига жавоб бериши юзасидан мониторинг ишлари кучайтирилди.

Давоми 3-бетда.

ШИФО МАСКАНИДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Бўстонлиқ – ўзининг гўзал табиати, сервиқор тоғлари, мусаффо ҳавоси, серҳосил боғ-роғлари билан машҳур туманларимиздан. Одамлари соғлом, тоғликларга хос кенг феъли, ғайрат-шижоатли. Аммо, "иссиқ жон"нинг баъзан иссиғиям чиқиб туриши бор гап.

❑ Тиббий хизмат

Президентимиз раҳбарлигида шу йил 12 декабрь куни мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятидан рози қилиш барчамизнинг, хусусан, тиббиёт ходимларининг энг муҳим вазифасидир. Туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси ҳам бу борадаги ишларни астойдил бажаришга киришган.

Бу ердаги қарийб 162 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида кўп тармоқли марказий поликлиника, саккизта қишлоқ врачлик пункти ва тўртта оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилган. Яқин икки йил ичида тегишли дастур асосида Бўстонлиқдаги кўп тармоқли марказий поликлиника, туғуруқхона, куни кеча эса юқумли касалликлар бўлими қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналарга эга ушбу бўлим мудираси Нигора Мирбобоеванинг айтишича, 45 ўринга мўлжалланган муассасада беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Таъмирлаш ишлари тугагунча юқумли касаллик билан хасталанган бўстонлиқликлар Чирчиққа боришга мажбур эди. Энди бу муаммо бартараф этилди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

❑ Шанба фельетони

ЧИРОҚ ЁНИШИГА ИККИ СОАТ ҚОЛГАНДА...

Биз томонларда соат деганларини ҳеч ким ишлатмайди. Вақтни чироқнинг ўчиш-ёнишига қараб белгилашади!

– Чироқ ўчгандан кейин ярим соат ўтгач, Абдунабини йўқлаб борсам, ухлаб қолган экан.

– Чироқ ёнишига бир соат қолганда, уйига кирсам, Эргашали тарвуз сўйяпти...

– Чироқ ўчмасидан икки соат аввал Ҳомиджон божасиникига жўнади...

Ғалчароқ одам бўлса, "Қачон, қачон? Соат неччида?" деган саволларни қаторлаштириши мумкин. Бизда чироқ эрталаб бешдан олтигача, кечқурун тўққиздан ўн биргача ёнади. Энди ўша ғалча, арифметикадан хабари бўлса, Абдунаби қачон ухлади, Эргашали қачон тарвуз сўйди, Ҳомиджон қачон божасиникига кетди, ҳисоблаб олаверсин! Мабодо, арифметикани яхши билмаса, келсин, беш-ўн кун қишлоғимизда турсин, вақтни ҳамқишлоқларимиз қатори "точно" айтадиган бўлади.

...Чироқ ўчишига беш минут қолганда, телефоним жиринглади.

– Мамажон ака, ўчираверайликми? – дастакдан овоз келди.

– Адашиб тушдингиз, – дедим. – Мен Мамажон акангиз эмасман!

– Кечирасиз.

Эртасига кечаги суҳбатимизни айнан такрорладик:

– Мамажон ака, ўчираверайликми? – дастакдан овоз келди.

– Адашиб тушдингиз, – дедим. – Мен Мамажон акангиз эмасман!

– Кечирасиз.

Учинчи куни авжи "Барселона"нинг ўйинини берилиб кўраётгандим, телефондан яна ўша саволни эшитдим:

– Мамажон ака, ўчираверайликми?

– Вей, қанақа одамсан? – дедим. – Ўчирсанг, ўчир!

Қўнғироқ қилгани бир бўлди – голни кўрмай қолдим, чироқ ўчгани икки – уй зимистонга айланди. Хотиннинг гапи ҳаммасидан ошиб тушди.

– Жиндай чироқни ўчиртирмай турсангиз нима бўларди? – деди у шам кўтариб кираркан.

– Мен ўчирибманми чироқни!? – бақириб бердим.

– Сиз-да! – деди у пинак бузмай.

– Мен-а?

– Ҳа, сиз! "Ўчирсанг ўчир", дедингиз, чироқ ўчди! Ярим соат қўйиб берганингизда болалар овқатини еб, дарсини бажариб оларди...

Давоми 4-бетда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Азиз вилоятдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Суди, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари, тижорат банклари раҳбарлари иштирокида 18-19 декабрь кунлари ўтказиладиган сайёр қабуллар жойи ва вақти эълон қилинмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари С. Самадов иштирокида "Прокуратура органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи:

1-кун. Чирчиқ шаҳри "Кимёгарлар" саройи

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 09:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Чирчиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Тошкент, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари аҳолиси таклиф этилади.

2-кун. Пискент тумани 30-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 09:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Пискент, Чиноз, Бўка, Бекобод, Янгийўл, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманлари ҳамда Бекобод, Нурафшон, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси К. Камилов ва раис ўринбосарлари (Дехканов, Исаков, Ёдгоров) иштирокида "Суд органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи:

1-кун. Зангиота тумани Миллий университет қошидаги академик лицей

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 09:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Зангиота, Тошкент, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари ҳамда Ангрен, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

2-кун. Оққўрғон тумани 25-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 09:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Пискент, Чиноз, Бўка, Бекобод, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманлари ҳамда Бекобод, Нурафшон, Янгийўл ва Олмалиқ шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б. Бобожонов ва вазир ўринбосари Б. Бобохоновлар иштирокида "Ички ишлар органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи:

1-кун. Юқори Чирчиқ тумани 24-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 09:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Юқори Чирчиқ, Зангиота, Тошкент, Қибрай, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари ҳамда Ангрен, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

2-кун. Бекобод тумани 16-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 09:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Пискент, Чиноз, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманлари ҳамда Бекобод, Янгийўл, Нурафшон ва Олмалиқ шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р. Давлетов ва вазир ўринбосари А. Ташкуловлар иштирокида "Адлия органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи:

1-кун. Бўка тумани 19-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 09:00 дан 14:00 гача.

Сайёр қабулга Бўка, Бекобод, Пискент, Ўрта Чирчиқ туманлари ҳамда Бекобод ва Нурафшон шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Қибрай тумани "Дўрмон" маданият саройи

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 16:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Қибрай, Тошкент, Паркент, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

2-кун. Янгийўл шаҳри 22-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 09:00 дан 14:00 гача.

Сайёр қабулга Зангиота, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманлари ҳамда Янгийўл шаҳри аҳолиси таклиф этилади.

Оҳангарон тумани 31-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 16:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Оҳангарон тумани ҳамда Олмалиқ, Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона давлат қўмитаси раиси М. Тоҳирий иштирокида "Божхона органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи:

1-кун. Нурафшон шаҳри 12-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 13:00 гача.

Сайёр қабулга Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Бўка, Оққўрғон, Бекобод туманлари ҳамда Нурафшон ва Бекобод шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Олмалиқ шаҳри "Металлург" саройи

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 15:30 дан 19:30 гача.

Сайёр қабулга Оҳангарон, Паркент туманлари ҳамда Ангрен, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

2-кун. Тошкент тумани маиший хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик коллежи

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 15:00 гача.

Сайёр қабулга Зангиота, Тошкент, Қибрай, Бўстонлиқ, Янгийўл, Чиноз туманлари ҳамда Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ давлат қўмитаси раиси Б. Парпиев ва раис ўринбосари Н. Нарбаевлар иштирокида "Солиқ органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи:

1-кун. Янгийўл шаҳри 22-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 09:00 дан 14:00 гача.

Сайёр қабулга Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл ва Чиноз туманлари ҳамда Янгийўл шаҳри аҳолиси таклиф этилади.

Нурафшон шаҳри 12-сонли мусиқа ва санъат мактаби

Вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 16:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Бекобод, Бўка, Юқори Чирчиқ, Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳамда Нурафшон ва Бекобод шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

2-кун. Чирчиқ шаҳри "Кимёгарлар" саройи

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 09:00 дан 14:00 гача.

Сайёр қабулга Бўстонлиқ, Паркент, Тошкент, Зангиота ва Қибрай туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳри аҳолиси таклиф этилади.

Олмалиқ шаҳри "Металлург" саройи

Вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 16:00 дан 21:00 гача.

Сайёр қабулга Оҳангарон тумани ҳамда Олмалиқ, Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари аҳолиси таклиф этилади.

"Қишлоққурилишбанк" бошқаруви раиси Муллаханов Баҳодирбек Муллаханович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Ангрен шаҳри.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Ипотека-банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Ўзсаноатқурилишбанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Халқ банки"да, соат 15:00 дан 18:00 гача "Миллий банк"да, соат 18:00 дан 20:00 гача "Ҳамкор банк"да.

"Ҳамкор банк" бошқаруви раиси Қодиров Назиржан Абдураҳманович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Олмалиқ шаҳри.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Ипотека-банк"да, соат 15:00 дан 18:00 гача "Ўзсаноатқурилишбанк"да, соат 18:00 дан 20:00 гача "Ҳамкор банк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Халқ банки"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Миллий банк"да.

"Миллий банк" бошқаруви раиси Мирсоатов Алишер Қудратуллаевич иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Бекобод шаҳри.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Ипотека-банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Ўзсаноатқурилишбанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 13:00 гача "Халқ банки"да, соат 14:00 дан 18:00 гача "Миллий банк"да, соат 18:00 дан 20:00 гача "Қишлоққурилишбанк"да.

"Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раиси Алимардонов Отабек Панжиевич иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Чирчиқ шаҳри.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Ипотека-банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Ўзсаноатқурилишбанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Халқ банки"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Миллий банк"да.

"Агробанк" бошқаруви раиси Ходжаев Саидкамол Саидкаримович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Оққўрғон тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Агробанк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 21:00 гача.

Соат 10:00 дан 21:00 гача "Микрокредитбанк"да.

"Ипотека-банк" бошқаруви раиси Мусаев Омонжон Мухамадяминович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Оҳангарон тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Агробанк"да, соат 15:00 дан 17:00 гача "Халқ банки"да, соат 18:00 дан 20:00 гача "Савдогар банк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Қишлоққурилишбанк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Ипотека-банк"да.

"Микрокредитбанк" бошқаруви раиси Маматқулов Ғанишер Абдукаримович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Бўстонлиқ тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Савдогар банк"да, соат 15:00 дан 18:00 гача "Халқ банки"да, соат 18:00 дан 20:00 гача "Микрокредитбанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Қишлоққурилишбанк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Миллий банк"да.

"Савдогар банк" бошқаруви раиси Мансуров Суръат Маъруфович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Бўка тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Агробанк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Савдогар банк"да.

"Миллий банк" бошқаруви раиси Мирсоатов Алишер Қудратуллаевич иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Бекобод тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Агробанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

"Турон банк" бошқаруви раиси Мирзаев Чори Садибақасович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Зангиота тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Савдогар банк"да, соат 15:00 дан 17:00 гача "Халқ банки"да, соат 18:00 дан 20:00 гача "Ипотека-банк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Турон банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Инвест Финанс банк"да.

"Алоқа банк" бошқаруви раиси Эгамбердиев Жамшид Шарифжонович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Тошкент тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Микрокредитбанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

"Инвест Финанс банк" бошқаруви раиси Абдуллаев Зикрилло Сағдуллаевич иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Қибрай тумани.

1-кун вакти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Халқ банки"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Ўзсаноатқурилишбанк"да.

2-кун вакти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Савдогар банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Инвест Финанс банк"да.

Давоми 3-бетда.

Бошланиши 2-бетда.

"Асака банк" бошқаруви раиси Муллажонов Каҳрамон Қодирович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Паркент тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Агробанк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Микрокредитбанк"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

"Капитал банк" бошқаруви раиси Олимов Қаҳрамон Анварович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Қуйи Чирчиқ тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Агробанк"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

"Туркистон банк" бошқаруви раиси Атабаев Фарҳод Мирмуҳамедович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Пискент тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Агробанк"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Халқ банки"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Микрокредитбанк"да.

"Равнақ банк" бошқаруви раиси Турсунов Искандар Бахтинурович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Ўрта Чирчиқ тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Миллий банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Агробанк"да.

"Халқ банки" бошқаруви раиси Абдуллаев Абдурасул Неъматович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Чиноз тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 15:00 гача "Халқ банки"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Ҳамкор банк"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 15:00 гача "Ипотека-банк"да, соат 15:00 дан 20:00 гача "Агробанк"да.

"Давр банк" бошқаруви раиси Самадов Абдумажид Абдувоҳидович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Юқори Чирчиқ тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Агробанк"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 20:00 гача "Халқ банки"да.

"Ипак йўли банки" бошқаруви раиси Мирзаев Алишер Анварович иштирокида "Банк тузилмалари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши кураш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуида Тошкент вилояти аҳолиси билан учрашув ташкил этилади.

Учрашув-суҳбат жойи: Янгийўл тумани.

1-кун вақти: 2017 йил 18 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 13:00 гача "Халқ банки"да, соат 14:00 дан 17:00 гача "Миллий банк"да, соат 17:00 дан 20:00 гача "Қишлоққурилишбанк"да.

2-кун вақти: 2017 йил 19 декабрь, соат 10:00 дан 20:00 гача.

Соат 10:00 дан 14:00 гача "Агробанк"да, соат 15:00 дан 17:00 гача "Ипак йўли банки"да, соат 17:00 дан 20:00 гача "Ҳамкор банк"да.

Эслатма: Сиз учун қулайлик яратиш мақсадида мурожаат ва шикоятларингизни аввалдан ёзма шаклда тайёрлаб келишингизни тавсия қиламиз. Қабулнинг биринчи куни турли сабабларга кўра жадвалда кўрсатилган жойга белгиланган вақтда етиб бора олмаган вилоятнинг барча (қайси бўлишидан қатъи назар) туманлари аҳолиси иккинчи кун жадвалда кўрсатилган жойларга белгиланган вақтларда қабулларга келиши мумкин.

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

Ҳа, тадбиркор ўз ишидан, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан мамнун. Муҳими, фойда кўриб, рўзғор кам-кўстини тўлдираяпти, эл коригa яраяпти. Дарвоқе, Дилноза Ғафурхўжаева бу йил тумандаги ўн иккита мактабга ўқувчилар формасини тикиб берди. Даромади ҳам кам бўлмади.

"Mavorounnahr vita servis" МЧЖ раҳбари Сирожиддин Мақсудий ҳам ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлардан. Даставвал давлат ташкилотларига техник хизматлар кўрсатиш билан шуғулланган тадбиркор эндиликда салқин ичимликлар ишлаб чиқара бошлади.

– Яқин кунларда шарбат тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз, – дейди у. – Корхонамизда ўттиз нафарга яқин киши ишлайди. Уларга икки маҳал

иссиқ овқат, транспорт хизмати ташкил этилган.

Сирожиддиннинг айтишича, Янги йил байрами яқинлашаётган шу кунларда иш қизғин кечмоқда. Буюртмачиларга махсус идишларга қадоқланган ичимликларни етказиб бериш, шарбат ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишлари давом эттирилаётир.

Қисқаси, 2018 йилни катта ютуқлар билан қарши олаётган "Mavorounnahr vita servis" жамоасининг режалари катта.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Бошланиши 1-бетда.

ОРАСТАЛИК – ФАЙЗУ БАРАКА ОМИЛИ

Тегишли соҳаларда фаолият олиб борувчи фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзи, соғлиқни сақлашга доир билимларини янада ошириш чоралари кўрилаётир.

Вилоят ҳудудида, аҳоли гавжум жойларда номаълум технологик жараёнда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли қўлбола таом ва ичимликлар билан савдо қилиш нуқталарини бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг таркибига ички ишлар, давлат солиқ инспекцияси ходимлари ва ветеринария хизмати мутахассислари киритилди.

Бу борадаги ишлар доирасида деҳқон бозорлари ҳудудида санитария-гигиена талаблари таъминланиши, улардаги умумий овқатланиш шахобчаларида меҳнат қилаётган хусусий тадбиркорларни мавсумий ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши жиддий назорат қилинаётир.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Бахтиёр Болтабоевнинг айтишича, айни кунда соҳа ходимлари ветеринария хизмати мутахассислари билан биргаликда маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг санитария маданиятини янада ошириш, шахсий гигиена, болаларни тўғри овқатлантириш, мавсумий юқумли ва паразитар касалликлар ва ўта хавфли инфекциялар тарқалишининг олдини олиш бўйича тушунтириш тадбирларини ўтказмоқда.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари ҳудудида бўлгани каби Ўрта Чирчиқ туманида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ердаги "Янги ҳаёт", "Намуна", "Гулзор", Навоий номли, "Учоқли" ва бошқа маҳалла фуқаролар йиғинларининг 25 мингдан зиёд аҳолисига 55-қишлоқ оилавий поликлиникаси хизмат кўрсатади.

Яқинда ушбу тиббий муассаса ходимлари туман санитария-эпидемиология ва ветеринария бўлимлари вакиллари билан хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, шунингдек, уй ҳайвонларини сақлаш қоидалари бўйича маълумотлар бериб, эслатмалар тарқатди.

– Хонадонимизда уй ҳайвонларини сақлаймиз, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Зиёлилар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Рустам Раҳмонов. – Уйимизга келган санитар ва ветеринарлардан уларни озиқлантириш, касалликларга қарши эмлаш зарурлиги бўйича маслаҳатлар олдик.

Таъкидлаш жоиз, тумандаги маҳаллаларда "Соғлигимиз, хонадонимизнинг тинч-осойишталиги фақат ўз қўлимизда" шиори остида ўтказилаётган тадбирларда жониворлар – қорамол, от, қўйэчки, ит, мушук ҳамда сичқон ва каламуш каби кемирувчиларда учрайдиган, улар орқали тарқалиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳам тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда.

Ўрта Чирчиқ тумани давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокори Садриддин Жумақуловнинг айтишича, ҳар шанба – "Санитария куни", деб эълон қилинган. Ўша куни ҳудуддаги барча корхона ва ташкилотларда озодаликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Зеро, санитария қоида ва меъёрларига риоя қилиш файзу барака манбаидир.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Реклама ва эълонлар

Аҳоли ва Тошкент вилояти сайловчилари диққатига! Депутатга савол йўлланг!

Ҳурматли фуқаролар! Жорий йилнинг 20 декабрь куни соат 10.00 дан 10.30 га қадар Facebookдаги O`zLiDePнинг расмий саҳифаси (facebook.com/Uzlidep) ҳамда "O`zLiDeP муҳокамага чорлайди" (facebook.com/groups/126733447933868) номли гуруҳида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, 7-округ "Наврўз" сайлов округидан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Насиров Ренат Усманович билан онлайн-мулоқот бўлиб ўтади. Депутатга ўзингизни қизиқтирган саволларни йўллаб, батафсил жавоб олинг.

Саволларни O`zLiDePнинг Facebookдаги расмий саҳифаси (facebook.com/UzLiDeP), tv-uzlidep@mail.ru (Тошкент вилояти Кенгаши почтаси), uzlidepmatbuot@mail.ru электрон манзилига, телеграммдаги (+99890) 977-07-40, (+99893) 180-03-80 ҳамда (+99871) 255-28-85, (0370) 614-28-26 (ишонч телефони) рақамларига видео, аудио ёки матн шаклида йўллаш мумкин.

ДИҚҚАТ! Депутатга йўллаётган саволингизда, исм-шарифингиз, аниқ манзилингиз ҳамда сиз билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақамингизни ёзишни сўраб қоламиз.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти, "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2017 йил 15 декабрдаги 45-сонли Баённомаси қарори билан: Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан, "MAXAM CHIRCHIQ" акциядорлик жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар ва шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000751 ва 000752 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2017 йил 15 декабрдан тугатилди.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг туман бўлинмаларига тегишли қуйидаги манзилларда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Ибн-Сино кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган:

1. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/990 QAA, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 8 694 000 сўм;
2. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/986 QAA, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 10 171 000 сўм;
3. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/983 QAA, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 10 171 000 сўм;
4. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/985 QAA, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 10 743 000 сўм;
5. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/988 QAA, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 12 851 000 сўм;

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмаси, "Султонравот" даҳасида сақланаётган:

6. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/955 QAA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 8 726 000 сўм;

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани Тиббиёт бирлашмаси, Қаландарова кўчаси, 72-уй манзилида сақланаётган:

7. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/902 LAA, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 10 226 000 сўм;

Тошкент вилояти, Пискент тумани Тиббиёт бирлашмаси, Т. Маликов кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган:

8. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/633 NAA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 8 726 000 сўм;
9. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/634 NAA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 8 726 000 сўм;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 20-уй манзилида сақланаётган:

10. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/513 AAA, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 9 657 000 сўм;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 120-уй манзилида сақланаётган:

11. "Дамас" русумли, давлат рақами 10/588 JAA, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 10 226 000 сўм;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 20-уй манзилида сақланаётган:

12. "ГАЗ-310231" русумли, давлат рақами 10/172 DAA, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 572 000 сўм;
13. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/174 DAA, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 3 236 000 сўм;
14. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/275 SAA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, бошланғич баҳоси – 3 925 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 16 январь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2018 йил 12 январь куни соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақами: 20208000500571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг туман бўлинмаларига тегишли автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар марказий шифохонасида сақланаётган, "Дамас" русумли, давлат рақами 11 AB 277, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 6 451 055,5 сўм;
2. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 20-уй манзилида сақланаётган, "Газель" русумли, давлат рақами 10/604 DAA, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 10 303 569,97 сўм;
3. "ГАЗ-52" русумли, давлат рақами 10/187 UAA, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 3 750 000 сўм;
4. Тошкент вилояти, Пискент тумани Тиббиёт бирлашмаси, Саломатлик кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган, "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/632 NAA, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 8 410 714 сўм;
5. Тошкент вилояти, Чиноз тумани Марказий шифохонаси, Охунбобоев кўчаси, 53-уй манзилида сақланаётган, "ВАЗ-2121" русумли, давлат рақами 10/877 BAA, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 3 419 643 сўм;
6. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 20-уй манзилида сақланаётган, "Нива" русумли, давлат рақами 10/204 NAA, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 2 735 714 сўм;
7. "УАЗ" русумли, давлат рақами 11/AB 820, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 3 556 250 сўм;
8. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, "Сой" маҳалласи, 4-уй манзилида сақланаётган, "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/371 OAA, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 5 046 429 сўм;
9. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/397 OAA, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 5 046 429 сўм;
10. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/390 OAA, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 7 112 500 сўм;
11. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/391 OAA, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 5 046 429 сўм;
12. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/398 OAA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 7 112 500 сўм;
13. "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/392 OAA, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 5 046 429 сўм;
14. Тошкент вилояти, Паркент акушерлик комплекси, Паркент тумани, Хисорак КФЙ акушерлик комплекси манзилида сақланаётган, "УАЗ" русумли, давлат рақами 10/376 BAA, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 5 046 429 сўм.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси 2018 йил 3 январь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 29 декабрь куни соат 18.00 гача. Юқоридаги автотранспорт воситалари 3 январь куни сотилмаса, уларнинг такрорий савдолари 2018 йил 15 январь, 25 январь, 5 февраль кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2018 йил 15 январдаги савдолар учун 12 январь, 25 январдаги савдолар учун 23 январь, 5 февралдаги савдолар учун 2 февраль соат 18.00 гача.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақами: 20208000500571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

МАРДИ МАЙДОН – ТЕЛОВ ДАЛАСИ

от чопар йигитнинг сараси

Кўпкари – Марказий Осиё халқларининг от спорти саналади. Унинг ўзига хос сеҳри шу қадар қудратлики, улоқнинг дарагини эшитган чавандозлар масофа олис бўлишига қарамай, майдонга ошиқишади.

Оҳангарондаги "Телов" маҳалласининг кенг адирларидаги катта кўпкари сайлига чорлов бўлди. Олису яқиндан отлар дупури, кишнаши эшитилаяпти, демак, чавандозлар учқур тулпорларини елдириб, неча тоғ-қирлардан ўтиб келмоқда.

Ва ниҳоят, ҳаяжонли дамлар бошланди. Кекса отахонларимиз дуога қўл очишди, баковуллар чопиладиган улоқни майдонга ташладилар, давра юзлаб отлар дупурига тўлди. Анъанага мувофиқ, сайилни шарҳлаш теловлик Одил Юсупов ва сирдарёлик меҳмон Маҳмуд Тошмуродовга топширилди. Кўпкарида баковул ўйинга ҳакамлик қилади. Бериладиган совринлар, ҳалоллигу ғирромликни ёлғиз у ҳал этиш ҳуқуқига эга, бироқ унинг ҳакамлиги кекса чавандозлар кузатуви остида бўлади.

Шу лаҳзада Маҳмуд ака улоқнинг биринчи совриндорини эълон қилди – бу қорахитойлик номдор чавандоз Сайфи полвон эди. Кейинги даврада сирдарёлик Олим полвон ва шоштепалик Шерзод полвон ҳам соврин соҳибига айланди.

Улоқда ўртага тикилган соврин олдиндан овоза қилинади. Аммо, чавандозлар нимани-дир ютиш учун эмас, астойдил улоқ шавқи, тортишувига берилиб чопишади. Соврин эса ғолибни рағбатлантиришга хизмат қилувчи бир омил, холос. Улар ҳар кўпкари сайилларида ўз хато ва камчиликларини тузатиб, тажриба орттириб боради. Шундай беллашувларда янги-янги чавандозлар ва улоқчи отлар кашф этилади.

Кўпкарининг энг қизғин нуқтасига етиб келдик. Навбатдаги совриндорлар номи айтилди – яна ўша қорахитойлик Сайфи полвон, ундан сўнг тошкентлик Ғани полвон билан Нодир полвон, Қуйи чирчиқлик Сайфихўжа тепа маррага тикилган танага эгалик қилди.

Қандингни ур, чавандозлар, бўш келма, отга қамчи бос!. Ўйин тобора шиддатли тус олмоқда, совринлар ҳам секинаста кўтарилиб бормоқда. Улоқни бир четда туриб кузатишнинг завқи бошқача. Отлар тўдаси узоқдан худди қора қуюн сингари шиддат олмоқда. Лекин, шу хил талатўпдан улоқни олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Чавандозда, аввало, яхши от, билак кучи ҳамда улкан тажриба бўлиши керак. Йиғилганлар қорахитойлик Сайфи полвонда мана шу қудратнинг мужассамлигини кўришди. Ахир, йигитнинг ғурури синаладиган бу майдонда Тошкенту Сирдарёдан, Ғазалкенту Янгийўлдан, Бўкаю Оққўрғондан, Олмалиқ ва Ангрендан не-не алп чавандозлар от сурмоқда. Шундай номдор полвонлар тўдасидан улоқни тақимга босиш қанчалик оғир бўлса, уни эгар қошига олиб, маррага етказиш чавандоздан жуда катта машаққат талаб этади. Тадбирда Оҳангаронинг Шоштепа қишлоғида яшовчи Шерзод, бўкалик Рафиқ полвонлар катта муваффақиятга эришди.

Алқисса, улоқ қорахитойлик Сайфи чавандозда кетди!

Алишер АЗИМ.

МУРАККАБ ДАВРНИНГ МАТОНАТЛИ ШАХСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган буюк давлат ва жамоат арбоби, халқ севган адиб Шароф Рашидовнинг порлоқ хотирасига бағишланган фотокўргазма шундай номланди.

❑ Кўргазма

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган кўргазмада фахрийлар, академиклар, профессор-ўқитувчилар, талабаёшлар, адибнинг яқинлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Кўргазмада таъкидланганидек, Ш. Рашидов давлат арбоби сифатида бир умр халқ манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Мирзачўл, Қарши, Ёзёвон, Шеробод чўллари ўзлаштирилган, Ўзбекистон харитасида Навоий, Зарафшон, Гулистон, Янгиер шаҳарлари пайдо бўлган. У юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган.

Ш. Рашидов истеъдодли ёзувчи ва моҳир таржимон сифатида ҳам ўзидан бой мерос қолдирган. Унинг "Икки дил достони", "Кашмир қўшиғи", "Дил амри", "Бўрондан кучли", "Ғолиблар", "Қудратли тўлқин" каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган.

Шароф Рашидовнинг расмий учрашув ва анжуманларда, оиласи, кенг омма ва дўст-биродарлари даврасида ўтказган онлари, сермазмун ҳаёти ва фаолиятини акс эттирган фотосуратлар кўргазма билан танишаётганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Г. БОБОЕВА,
ЎзА мухбири.

ЭЗГУЛИК МАЁҒИ

Маънавияти юксак инсон улкан ишларга қодир. Боиси, у қалб ва руҳ поклигига эришади, оламга ўзгача кўз билан назар солади. Маънавият – она сайёрамизни ўраб, зарарли нурлардан ҳимоя қилиб турган озон қатлами кабидир. Унинг борлиги – тириклигимиз, бахтимиз.

❑ Маънавият

Унда пайдо бўлаётган туйнуклар эса йўқотишимиз. Нечоғли маънавиятга эгалигимиз ёки маънан тубанлашиб кетаётганимиз фожиаси ҳам озон қатламидаги нохуш ўзгаришлардан асло кам бўлмаган воқеликдир. Ҳа, инсонни инсон қилиб тургувчи мезон унинг маънавияти, маънавий оламининг мавжудлигидир.

Сўлим Бекобод шаҳрида жойлашган "Ўзбекистон металлургия комбинати" – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти маданият саройида ушбу корхона ташаббуси билан ташкил этилган тадбир ҳам том маънода маънавият тарғиботига бағишланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят кенгаши, "Маънавий ҳаёт" журнали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, "Маънавий ҳаёт" журнали бош муҳаррири, таниқли шоир Эшқобил Шукур, шоир Шодмонқул Салом ҳамда бошқа ижодкорлар иштирок этди.

– Маънавият ҳар бир инсоннинг ўзлиги, мақсад-маслагига элтувчи манзилда чарақлаб турган маёқдир, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Бу маёқни, аввало, қалбимизда ёқмоғимиз шарт. Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам шу. Бу – замон талаби!

Дарвоқе, шиддат билан ўзгараётган замонга назар солиб, ўзлигидан айро, маънавиятидан жудо миллат-элатлар ва уларнинг йўқотишлари мисолида айтилган сўзлар йиғилганларни сергакликка чорлади. Қалам аҳли томонидан она Ватан, тинчлик, китобхонлик мавзуларидаги ашъорлар бекободлик шеърсеварлар дилига хушнудлик улашди.

Сардор МУСТАФОЕВ.

ЧИРОҚ ЁНИШИГА ИККИ СОАТ ҚОЛГАНДА...

Ўчган лампочкага қараб қанча турдим, хотин қанча жавради, билмайман. Нималар бўлаяпти ўзи?

Телефон қилинган рақамга қайта қўнғироқ қилдим.

– Лаббай, Мамажон ака? – деган овоз келди.

– Шу... – нима дейишимни билмай қолдим.

– Гапиравeринг, хўжайин! – дастак менга далда берди.

– Шу... Олчин томонларни ўчирмай турсаларинг...

– Бир оғиз сўзингиз, Мамажон ака!

Оғзимни юмиб ҳам улгурмагандим, чироқ ёнди!

– Уфф! – деди хотин. – Жой солиб, энди кўрпага кирганингда чироққа бало бормикан?

Унинг гапигаям, ўзигаям парво қилмадим. "Ҳақиқатан ҳам шу чироқ мени буйруғим билан ўчиб-ёндими? Мамажон ака деганлари ким бўлди?" Калламда ўйнаган ўнта саволдан бирортасига ҳам жавоб тополмай, ухлаб қолибман.

Эртасига улфатлар ўртасида одатдаги тортишув бошланди:

– Кеча нимагадир чироқ ўчмадими?

– Мен ёқтиргандим, ўчиртириш эсимдан чиқибди, – дедим гарангсираб.

– Нима, сен-а? – Ўлжавой ошнам афтимга бақрайиб қаради.

– Кеча кўпайиб кетгани йўқми? Сиз ҳали ўчириб, ёқадиган бўлиб қолдингизми? – Самандар унга қўшилди.

– Чироқ ўчганда уйимга келинглар, қайта ёқтираман, – дедим.

Чироқ ўчишига уч дақиқа қолганда телефонимни чангаллаб ўтиргандим, дарвозадан Ўлжавойнинг мўйлови кўринди. Телефоним жиринглади:

– Мамажон ака, ўчиравераймликми?

– Ўчир, ҳалиям ўтирибсанми ўчирмасдан!? – жон ҳолатда дастакка бақирдим.

Ўша заҳоти чироқ ўчди. Зимистондан Самандарнинг овози эшитилди:

– Қойилман!

– Энди қайта ёқ-чи! – Ўлжавой биқинимга туртди.

Қайта телефон қилдим:

– Лаббай, Мамажон ака?

Мулойим овоздан дадилландим.

– Олчин томонларни ёқ!

– Гап йўқ, Мамажон ака!

Ҳали телефоним ўчмай туриб, чироқ ёнди.

– Катта ишга кўтарилиб кетдингми? – Ўлжавойнинг савол берган оғзи қайта ёпилмади.

– Мамажон ака ким? – Самандар саволларни қаторлаштириб ташлади. – Аммангни эрими? Ё исмингни ўзгартирдингми?

– Биттаси адашиб мени телефонимга тушаяпти.

– Биттасимасдир? Адашибмасдир! Бунақа жойда навбат билан туришади. Демак, сени телефонинг Мамажон деганларининг телефон рақами билан бир хил!

– Бир хилмас: ҳойнаҳой улар рақамни кодсиз теришаяпти. Бундан фойдаланиб қолиш керак!

– Эй, қўйсаларинг-чи! – дедим.

Хуллас қўйишмади. Чойхонада ошни катта қилдик. "Мамажон ака", деган мурожаат билан бошланувчи қўнғироқ бўлса, паловнинг пулини мен, қўнғироқ бўлмаса, иккови тўлайдиган бўлди. Мендан нима кетди, деб хиргойи қилганча, ошга закускани тайёрлаётгандим, қўнғироқ овози ўзимга келтирди:

– Мамажон ака, ўчиравераймликми?

– Шошма, сени исминг нимайди?

– Мен Қоравойман! Билиб туриб сўрайсиз-а, хўжайин!

– Ҳа, Қоравой, – Самандар иштаҳани очади, деб юз элликтани ичирганди, бу ёғига ўша ароқ гапира бошлади: – Қоравой, сал овозинг ўзгариб қолибдими?.. Ишқилиб, кўпроқ отворганинг йўқми?

– Хўжайин, постдаман-ку! Постда оғзимдан қуйишса ҳам ичмайман!

– Унда овозингга нима жин урди?

– Яна билиб туриб сўрайсиз-а! Кеча балиқ дебсиз, қоровул йўқ экан, ўзим кўлга тушгандим, сал шамоллаб қолибман, ўтиб кетади.

– Давосини қил. Соғлиқни асраш керак.

– Хўп бўлади.

– Қоравой укагинам, ёнингда яна бирортаси борми?

– Ёрдамчим Олимжон бирга.

– Бўлмаса, машинанг борами?

– Билмагандай сўрайсиз-а, навбатчи машина ҳам бор...

– Унда Олимжонни ўрнингга қўй-да, "Ором" чойхонасига ўтсанг...

– Хўп, хўп.

– Жиянларим ўтиришган экан. Менда вақт йўқ, бороллмадим. Чойхоначидан Давлаталини сўрагин. Давлатали чиқса, чойхона харажатларини...

– Бўлди, бўлди, хўжайин, тушундим, ортиғи билан расчёт қиламиз, ташвишланманг! – Қоравой укагинам эркаланишга ўтди. – Мамажон ака, шунақа ишларни бизга ҳам буюрсангиз бўларкан-у! Топиб олганингиз Сотволди! Бизам кўчада юрган йигитларданмиз!

– Хўп, хўп!

– Ўша томонларнинг чироғини ҳам ўчирмай тураман-да, а?

– Яша, Қоравой, ўчадиган, э, ўсадиган йигитсан!

Ана ундан кейинги гапларни сизга айтсам, ёқангизни ушлайсиз. Беш-ўн кунда телефон рақамим қўлма-қўл бўлиб кетдимикан билмадим, чироқнинг ёниб, ўчишига қарамасдан қўнғироқ-да:

– Мамажон ака, тўйларни ўтказиб олдик, чироқ ўчмади, раҳмат. Битта чойхона палов биздан! Қачон вақтингиз бўлади?

– Мамажон ака, номингиздан Сотволдига учрашгандим, ҳаммасини берворди... Сизни тегишингизни уйингизга ташлаб қўяман...

– Мамажон ака, "Мен ҳақимда бўладиган гапларни етказиб тур", дегандингиз... Ортиғалининг тўйидан келаётганимизда, ҳисобчи Алимов сизни ҳўкиз, деди. Олимов, "Йўқ, ола буқа", деди. Иккови қўл ташлашиб, кулишди. Мен кулмадим.

– Маман! Ойимчангнинг қўйнидан чиқолмай қолдингми, қўнғироқ ҳам қилмайсан!

Ҳа, айтганча, бир-иккита гаплар қулоғимга чалиниб қолди... Ғалати-ғалати ишлар қилиб юрганмишсан? Бугунги гапинг эртасига тўғри келмаётганмиш!? Янгича ишлашга ўтдингми?

– Мамажон ака, тўйлар яхши ўтдими? "Божам тўй қилаяпти, беш-олти яшик ароқ ташлаб қўйсин", деган экансиз, ташлаб қўйдим, ишқилиб етдими?

– Мамажон ака, анови янги келган болани думини тугмасангиз бўлмайди. "Корхонани ҳайвонлар эгаллаб олган. Топилган фойдани олдин бўрилар, ортидан қашқирлар ейди. Улардан ортганини биз еймиз, яна шукр қиламиз", деди.

– Мамажон ака, аризамни ёзаман! Кеча "ўчир" дедингиз, ўчирдим. Беш дақиқа ўтмай "ёқ" дедингиз, ёқдим. Яна бир дам ўтмай "ўчир", дедингиз. Вей, эрталабгача ўн марта ёқиб, ўн марта ўчирдим-а! Бунақада ишлаб бўлмайди! Ишдан кетаман...

Бунақанги телба-тескари қўнғироқларга жавоб бериб юри-и-иб, бутун электр тармоқлари системасини ишдан чиқарвормасам ғўргайди, деб ю-у-у-ургандим, биттаси дўқ қилиб қолди:

– Сен кимсан ўзи-вей, светни ўчириб-ёндирадиган?

– Мамажонман...

– Мамажон менман! Сенга давлатнинг иши ўйинчоқ бўлиб қолдими?

Чироқ ёнишига икки соат қолганда... телефонимнинг симкартасини олдим-у, секин оловга отдим.

Хоҳлаганда ўчириб, хоҳлаганда ёндириб, давлатнинг ишини ўйинчоқ қилган ларму, бунақа саволга мен жавоб беришим керакми?!

Саид АНВАР.

Бошланиши 1-бетда.

Жиноятга жазо муқаррар

ТИНЧЛИККА ХИЁНАТ

Бир кун таом еган жойига қирқ кун салом бериш халқимизга хос. Демак, Ватани учун ҳар қандай инсон умрининг охиригача миннатдорлик туйғуси билан яшаши, бор кучқуввати, салоҳиятини унинг гуллаб-яшнашига сарфлаши керак. Албатта, қалбида Ватан туйғуси, орияти, виждони бор киши доимо Ватан олдидаги қарзини ҳис этиб яшайди. Аммо, беш қўл баробар эмас-да...

Масалан, Ўрта Чирчиқ туманилик Баҳодир Одиловга (исм-шарифлар ўзгартирилган) бу туйғулар бегона. Лекин, у ўзгаларнинг таъсирига тушиб қоладиган даражада ғўр ёшда эмас. Яқинда 26 га тўлади. Бироқ, Баҳодир йўл қўйган хато уни кечирилмас энг оғир жиноят – Ватанга хиёнат қилишдек қабиҳликка йўл очиб берди.

Ҳозир нима кўп, интернетдан ҳеч қандай тўсиқсиз кириб келаётган турли керак-нокерак ахборотлар кўп. Турли сайтлардаги олди-қочди гапларни ўқийдиганлар ундан кўп. Баҳодир эса, улардан фарқли ўлароқ, нафақат ўқийди, балки Ўзбекистонга, унинг раҳбари, Президенти шаънига ғараз ниятда айтилган фикрларни тўплаб, варақалар тайёрлаб, уйида сақлайди. Кези келганда ўзига ўхшаган нияти бузуқ ҳамтовоқлари ёрдамида бўҳтонларга тўла ташвиқот варақаларини қўлма-қўл ёки компьютер орқали тарқатишдек ғараз мақсадини амалга ошириш учун пайт пойлайди.

Келинг, яхшиси унинг айбларини тасдиқловчи қуйидаги сатрларга эътибор берайлик: "Судланувчи Одилов Баҳодир Қобилович, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар туркумига кирувчи, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар туркумига кирувчи, диний экстремистик ташкилотларда иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш жиноятларини содир этган".

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима учун? Нега у ўзига мана шу тинч-фаровон турмушни, эркин, озод ҳаётни берган, яшаш, ишлаш, интилиш, изланиш имкониятини, барча керакли шароитларни яратиб қўйган Ватанига, Президентига хиёнат қилди?

Ҳозирги кунда ўзининг террористик ҳаракатлари билан дунё аҳлини ташвишга солиб қўйган "Ироқ шом ислом давлати" (ИШИД)нинг етакчилари кирдикорларини фош этиш ўрнига, улар тутган йўлдан боришни ихтиёр этган, вайронкор ғоялар қулига айланган бу кимсани ким деб аташ мумкин?! Халқимизда бундайларга нисбатан "Тузини еб, тузлиғига тупурган, нонкўр" ёки "ватанфуруш" деган сўзлар қўлланади. Аммо, назаримизда бундай айбловлар ҳам камдек. Тасаввур қилинг, бу бузғунчиларнинг алдовларига ишонадиган лақмалар пайдо бўлсаю, эл-юрт тинчига путур етса. Ахир, дунёдаги нотинчликлар қирғинбарот урушлар, қон тўкишлар шундайлар туфайли содир бўлмаяптими? Неча-неча хориж давлатларида бўлаётган порокандалик қанча-қанча одамларнинг ёстиғини қуритмади, хору сарсон қилмади, дейсиз?!

Ваҳоланки, дунё аҳли ҳавасини келтираётган Ўзбекистондек жаннатмакон юртнинг дўсту ағёрлари йўқ эмас. Ёшларимизни шундай вайронкор ғоялардан асраш учун эса ниҳоятда сергак бўлиш, огоҳликни қўлдан бермай, Баҳодирга ўхшаган ғараз ниятли кимсаларнинг бузғунчи ҳаракатларининг олдини олишимиз зарур. Унинг интернет тармоғидаги яширинча ташвиқотларию, уйидаги диний-экстремистик руҳдаги китоб, варақалари хиёнат йўлига кирган кимсанинг жиноятини фош этгани айни ҳақиқат.

Демак, жиноятга жазо муқаррар.

Шундай қилиб, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш мақсадидаги хатти-ҳаракатлари учун Баҳодир Одилов суд ҳукми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди...

Юлдуз НУРМУҲАММЕДОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-702. Адади 6 811. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00.